2015 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноатнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишни амалга оширишда реал сектор корхоналарини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси ва инфратузилмасини мустаҳкамлаш, хизматларнинг замонавий турларини жадал ривожлантириш чора-тадбирларининг амалга оширилиши 2015 йилда ялпи ички маҳсулотни 8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 6,8 фоизга ва қурилиш-пудрат ишлари ҳажмини 17,8 фоизга оширишга кўмаклашди.

Иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги макроиқтисодий барқарорликнинг мустаҳкамланиши билан кузатилди. Бу инфляция даражасининг 5,6 фоизгача пасайганлиги, Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилганлиги ва ташқи савдо айланмасини ижобий сальдоси билан тавсифланади.

Юқори даражадаги иқтисодий фаоллик ва аҳолининг бандлигини ошириш дастурининг амалга оширилиши аҳоли жон бошига реал даромадларнинг 9,6 фоизга ошишига кўмаклашди, бу ички истеъмол талабини рағбатлантириш чора-тадбирлари билан бир қаторда чакана савдо айланмаси ҳажмининг 15,1 фоизга ва аҳолига пуллик хизматлар ҳажмининг 10,8 фоизга ошишини таъминлади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, муҳим юқори технологияли қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш асосида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришга йўналтирилган **фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши** натижасида 2015 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 2014 йилга нисбатан 9,6 фоизга ўсиб, 40,7 трлн. сўмдан кўпни ташкил қилди.

Ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 3,3 млрд. долларини, ёки 21 фоиздан ортиғини чет эл инвестициялари ва кредитлари (ўсиш – 9,1 фоиз), шу жумладан 2,4 млрд. долларини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил қилди. 2015 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган маблағлари ҳажми 728,6 млн. долларни ташкил қилди.

Инвестициялар таркибида энг катта ҳажмни марказлашмаган инвестициялар (инвестициялар умумий ҳажмининг 78,2 фоизи), унинг 30,9 фоизини хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари (ўсиш – 12,6 фоиз) ташкил қилди, бу ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш тармоқ дастурлари ҳамда минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларининг фаол амалга оширилиши натижаси бўлди.

2011-2015 йилларда республикамизнинг молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари дастурларининг амалга оширилиши банклар умумий капиталининг 23,3 фоизга ва улар активларининг 25,1 фоизга ўсиши ижобий динамикасини сақлаб қолишга кўмаклашди. Натижада банк тизими капиталининг етарлилик даражаси энг кам халқаро стандартлардан 3 марта ортиқ даражада, банк тизимининг ликвидлилиги эса энг кам талаблардан 2 мартадан кўп даражада сақлаб қолинди. 2015 йилнинг

бошидан буён Марказий банк қайта молиялаш ставкаларининг 10 фоиздан 9 фоизгача камайтирилиши иқтисодиётни кредитлаш ҳажмининг 27,3 фоизга ўсишига рағбатлантирувчи таъсир кўрсатди, улар умумий ҳажмининг 79,8 фоизини инвестиция мақсадларига мўлжалланган узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

2015-2019 йилларга мўлжалланган таркибий ўзгартиришларни, ишлаб чиқаришнинг модернизация ва диверсификация қилинишини таъминлаш чора-тадбирлари дастурининг амалга оширилиши доирасида ўтган йилда инвестиция жараёнларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган механизмларни такомиллаштириш иши амалга оширилди. Умумий қиймати 7,4 млрд. долларни ташкил қилувчи 158 та йирик инвестиция лойиҳанинг, шу жумладан «"Сурғил" кони базасида Устюрт ГКМни қуриш», «Қўнғирот сода заводила кальцийланган сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш», «"Жиззах" ЭИЗ ҳудудида энергияни тежовчи светодиодли ёритиш асбоблари ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Хоразм вилоятида Лабо автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «"Жиззах" ЭИЗ ҳудудида пойабзал саноати учун пластмасса материаллари ва фурнитура ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Наманган шаҳрида тери уст-бошлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш» каби ва бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилиши ниҳоясига етказилди.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг номенклатурасини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишининг энг юқори суръатлари енгил саноат (116,6 фоиз), ёғочга ишлов бериш (115,6 фоиз), қурилиш материаллари саноат (114,1 фоиз), озиқ-овқат саноати (114,4 фоиз), фармацевтика ва тиббий саноат (128,9 фоиз) каби тармоқларда қайд этилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,7 фоизга, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 17,8 фоизга ошди. Тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг 75 та янги турини ва 164 та янги моделини, қандолат маҳсулотлари, мева-сабзавот ва гўшт-сут консерва маҳсулотларининг 143 та янги турини, дори-дармон препаратларининг 67 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2015-2019 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши жараёнида ўтган йилда 696 та лойиҳа бўйича 4,0 трлн. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,56 млрд. долларни ташкил қилди. Бунда саноат маҳсулотининг 820 тадан ортиқ янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Иқтисодиётда давлатнинг иштироки даражасини янада қисқартириш мақсадида 2015 йилда хусусий мулкка сотиш учун очиқ савдоларда 608 та давлат мулки объекти, шу жумладан 506 та объект инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан «ноль» харид қиймати бўйича сотилди. 245 та паст рентабелли ва ишламай турган ташкилотлар тўлиқ тугатилди. Хусусийлаштириш дастурида назарда тутилган 353 та фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган давлат мулки объекти бузиб ташланди. Натижада 120 га ер майдони бўшатилди, уларнинг 80 тага яқини тадбиркорларга ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш учун берилди.

2015 йилда **хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимояланишини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш** борасида ишлар фаол давом эттирилди. Ўтган йилда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 12,1 трлн. сўм миқдорида ёки 2014 йилдагига нисбатан 1,3 марта кўп миқдорда кредитлар, шу жумладан 2,5 трлн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, халқаро молия институтларининг 177,4 млн. доллар ҳажмидаги кредит линиялари ўзлаштирилди. 2015 йилда 26,9 мингта янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди (ўсиш суръати – 2014 йилдагига нисбатан 103,3 фоиз). Кичик бизнес субъектларининг энг кўп сони саноат соҳасида ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида (36 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш (30,4 фоиз) ҳамда қурилиш соҳасида (11,2 фоиз) ташкил этилди. Кўрилган чоралар натижасида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 56,7 фоизни, саноатда 38,9 фоизни, чакана савдо айланмасида 87,1 фоизни, пуллик хизматлар кўрсатишда 50,8 фоизни ва бандликда 77,9 фоизни ташкил қилди.

Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш дастурий чора-тадбирларининг амалга оширилиши 2015 йилда 623 та акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасини корпоратив менежментнинг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш имконини берди. Етакчи хорижий мамлакатлар амалиётини ўрганиш асосида Корпоратив бошқарув кодекси ишлаб чиқилиб, давлат улушига эга бўлган корхоналарда ижро этувчи орган фаолиятининг самарадорлигини баҳолашга нисбатан қўйиладиган талаблар тасдиқланди.

2012-2016 йилларга мўлжалланган хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши туфайли ўтган йилда хизматлар кўрсатиш соҳасида 14 мингта янги объект ташкил этилди. Натижада аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 14 фоизга ошди, ушбу соҳанинг ЯИМ таркибидаги улуши 2014 йилдаги 54,0 фоиздан 2015 йил якунларига кўра 54,5 фоизгача ошди. Ўтган йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (115,4 фоиз), молиявий хизматлар (130 фоиз), туристик хизматлар (115,9 фоиз), соғлиқни сақлаш хизматлари (117,3 фоиз), маиший хизматлар (117,5 фоиз) энг юқори суръатлар билан ривожланди.

2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши доирасида ўтган йилда 240 км темир йўллар участкаларини ривожлантириш, 382,4 км автомобиль йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. 155,9 км Мароканд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш ва Самарқанд-Қарши темир йўл линияси участкасида йўловчи поездларининг юқори тезликда ҳаракатланишини ташкил этиш ниҳоясига етказилди. Янги Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қуриш фаол амалга оширилмоқда: ўтган йилда Ангрен станциясидан то туннелнинг ғарбий порталигача (40 км) ва Поп станциясидан то туннелнинг шарқий порталигача (64 км) бўлган участкаларда қурилиш-монтаж ишлари ва электрлаштириш ниҳоясига етказилди.

Ўтган йил мобайнида 2013-2020 йилларда Телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва инфраструктураларини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш доирасида 1,8 минг.км оптик толали замонавий кенг полосали тармоқ линиялари қурилди ва заҳираланди. Интерактив давлат хизматлари Ягона порталини модернизация қилиш ва кенгайтириш бўйича тизимли ишлар олиб

борилмоқда, ҳозирги вақтда унга 990 та давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органи, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари уланган, 260 та турли хилдаги интерактив хизматлардан фойдаланиш жорий этилган. 2015 йил мобайнида Ягона портал орқали 400 мингдан ортиқ ёки ундан аввалги йилга қараганда 4 марта кўп хизматлар кўрсатилди.

2015 йилда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурининг амалга оширилиши доирасида ўтган йилда 12 мингта уй фойдаланишга топширилди. Янги қурилган массивларда 367 км газ таъминоти, 289 км электр таъминоти, 471 км сув таъминоти тармоқлари, 213 км олиб борувчи ва мавзе ичидаги автомобиль йўллари ҳамда 115 ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объекти ишга туширилди.

Умуман республикамиз бўйича 2015 йил мобайнида 11,7 млн. кв.м уй-жой, шу жумладан 8,6 млн. кв.м – қишлоқ жойларида, 2,6 минг км водопровод тармоқлари, шу жумладан 2,1 минг км – қишлоқ жойларида, ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалигини техник ва технологик янгилаш доирасида 2015 йилда 9,7 минг га майдонда янги интенсив боғлар ва 9,2 минг. га узумзорлар, 444 га иссиқхоналар барпо этилди ҳамда 12,3 минг майдондаги боғларни ва 7,5 минг минг майдондаги узумзорлар реконструкция қилиш амалга оширилди. Ўтган йилда 76,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотни сақлаш имконини берувчи 110 та янги совутиш камераси фойдаланишга топширилди ва 1,35 минг тонна маҳсулотни сақлаш имконини берувчи 4 та совутиш камераси модернизация қилинди.

Кўрилган чоралар натижасида 2015 йилда 3361,3 минг тонна пахта хомашёси, 8176,6 минг тонна ғалла экинлари, 10128,1 минг тонна сабзавот, 2696,7 картошка, 1853,1минг тонна полиз маҳсулотлари, 2746,2 минг тонна мева, 1579,0 минг тонна узум етиштирилди. Йирик шохли қорамоллар сони 11,6 млн. бошга етказилди, 2033,5 минг тонна гўшт, 9028,2 минг тонна сут, 5526 млн. дона тухум етиштирилди.

2015 йилда **Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг бандлигини таъминлаш дастури** доирасида 980 мингдан ортиқ иш ўрни, шунинг 60 фоизидан кўпи қишлоқ жойларида барпо этилди. Касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш комплекс тизимини янада такомиллаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2015 йилда 480 минг нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиси ва 61,2 минг нафар олий ўқув юртлари битирувчисининг бандлиги таъминланди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифатини янада ошириш мақсадида 2015 йил мобайнида соғлиқни сақлаш амбулатория-поликлиника бўғинини мустаҳкамлаш ва тизимга замонавий даволаш ва ташхислаш асбоб-ускуналарини жорий этиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, тиббий муассасалар объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ҳамда уларни зарур анжономлар билан жиҳозлаш учун учун 500 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди.

2015 йил мобайнида “Кексаларни қадрлаш ва эъзозлаш йили” давлат дастури доирасидаги тадбирларни амалга ошириш йўлида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоялаш, моддий қўллаб-қувватлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун 2246 млрд. сўм ва 225 млн. доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди.